

## Фитналардан эҳтиёт бўлиш

Image not found or type unknown



11:05 / 14.01.2024 2863

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّ رَمُعٍ نُبِ اِنَع  
هُيَلَعُ هَلْ لَّا يَلَّصَّ يِبُّ نَلِ اِنَع  
هُلْ لَّا لَزْنَا اِذَا نَلَقَمَّ لَسَو  
نَمُّ اَدْعُ لَّا اَصَّ اَبَّ اَدْعُ مَوْقِب

# يَلَعِ اَوْثِغُ بٌ مُثْ مَ هِي فَ نَا ك بِ نَا خِي ش ل ا هَا و ر . م ه ل ا م ع ا

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ бир қавм устига азоб нозил қилса, ўша азоб уларнинг ичида ким бўлса, ҳаммасига баробар етади. Кейин эса барчалари амалларига кўра қайта тириладилар», дедилар».

*Икки шайх ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Оммавий азобга лойиқ бўлган қавмнинг ичида бўлган одам, ким бўлишидан қатъи назар, уларга қўшилиб, биргаликда мусибатга учрайди, шунинг учун бу ҳолат «Нима қилайлик, замон шу экан-да!» дейишга зинҳор баҳона бўла олмайди. Мўмин банда бутун дунёда бир ўзи қолиб, аҳли иймонларни тамсил қилаётган бўлса ҳам, Аллоҳ таолонинг айтганидан қолмаслиги керак, чунки унинг иймони, ибодати ва солиҳ амали ҳеч қачон зое кетмайди. Солиҳ инсон нобакорлар жамоаси билан бирга ҳалокатга учраса ҳам, унинг иймони, ибодати ва солиҳ амали охиратда уни қутқариб қолади. Барча бандалар қайта тириладиган пайтда у гўзал ҳолатда қайта тирилади ва ўз мукофотини заррача камаймаган ҳолда олади.

هُ هَلَلَا يِضَرَ رَ ةَ رِي رُهُ يِ بَا نَع  
هُ هَلَلَا يِ لَ صِ يِ بِنَلَا نَع هُنَع  
هُ بَرَا قَتَا يِ «: لَاقَ مَلَسَوِ هِي لَع  
هُ لَمَعَلَا صُقُنَا يِ وَ نَا مَزَلَا

رَهْطَاتٍ وَحُشَلَا يَ قُلِّي وَ  
«جَرَهْلَا رُتْكَ يَ وَ نَتِ فُلَا  
؟ وَهَمْ يَ اِهْلَلَا لُ وُسَرَا يَ : اُولَا ق  
لُ تَقُلَا ، لُ تَقُلَا » : لُ اَق

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Вақт қисқаради, амал ноқис бўлади, бахиллик илқо қилинади, фитналар зоҳир бўлади, ҳарж кўпаяди»**, дедилар. **«Эй Аллоҳнинг Расули, у нима?» дейишган эди, «Қирғинбарот, қирғинбарот!» дедилар»**.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссаломнинг замонларидан кейин чиқадиган баъзи ҳолатлар ҳақида сўз кетмоқда.

«Вақт қисқаради».

Бир вақтлар келиб, вақтнинг баракаси қолмайди, бир йил бир ойдек ўтиб кетади, бир ой бир ҳафтадек ўтиб кетади ва ҳоказо.

«Амал ноқис бўлади».

Бир вақтлар келиб, диний таълимотларга амал қилиш, солиҳ амал қилиш камаяди. Бу ишларга нисбатан дангасалик пайдо бўлади. Гап кўпайса ҳам, иш камаяди.

«Бахиллик илқо қилинади».

Бир вақтлар келиб, сахийлик кетиб, одамлар бахил бўлиб қоладилар.

Бахил бўлганда ҳам ўта бахил бўлиб қоладилар. Биров бировга бахиллик қилишни уят санамай қўяди.

«Фитналар зоҳир бўлади».

Бир вақтлар келиб, одамлар ўртасида турли-туман фитналар кўтарилади, фитна кетидан фитна келаверади.



# هُدًى غَبْرًا لَأُمِّهِ أَوْرَ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Келажакда фитналар бўлади. Ўша пайтда югургандан юрган яхши, юргандан турган яхши, тургандан ўтирган яхшидир. Ким унга қизиқса, уни домига тортиб кетади. Ким ундан паноҳ ёки қўрғон топса, ўша билан ўзини асрасин», дедилар».

*Тўртовлари ривоят қилганлар.*

Шарҳ: Демак, фитнани сезган одам иложи борича ундан узоқда бўлишга ҳаракат қилмоғи керак.

هُدًى لَأُمِّهِ غَبْرًا لَأُمِّهِ أَوْرَ  
هُدًى لَأُمِّهِ غَبْرًا لَأُمِّهِ أَوْرَ  
أَهْنِإِ «: لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع  
مُثَّ أَلَا نَتِفُ نُؤَكَّتَس  
أَهِي فُ دِعَاقُلَا، هُنْتِفُ نُؤَكَّتَس  
،أَهِي فُ يَشْأَمْلَا نَمُ رُيَخ  
نَمُ رُيَخُ أَهِي فُ يَشْأَمْلَاو  
أَذِفَ أَلَا، أَهِي لَأِي عَاسَلَا

هَلْ نَاكَ نَمَفْ تَعَقَوْ وَأَتَلَزَن  
نَاكَ نَمَوَاهِبُ قَحْلِيْلَفْ لِبِإِ  
نَمَوَاهِبُ قَحْلِيْلَفْ مَنَغْ هَلْ  
قَحْلِيْلَفْ ضُرَاْ هَلْ تَنَاكَ  
أَيُّ جَرَلِاقَفْ ، «وَضُرَابُ  
مَلْ نَمَتِيْأَرَاْ ، هَلْ لَالُوسَر  
الْوَمَنَغْ أَلْوَلِبِإِ هَلْ نُكَتْ  
يَلِإِ دِمَغِيْ» : لَاقُ ؟ ضُرَاْ  
هَدَحْ يَلَعُ قُدَيِ فِهْفِيْس  
عَاطُتْ سَاِنَاْ جُنَيِلْ مُثِرِجَحِب  
تُعَلَبْ لَهْ مُهَلْ لَا ، عَاجُنْ لَا  
لَهْ مُهَلْ لَا ، تُعَلَبْ لَهْ مُهَلْ لَا  
أَيُّ جَرَلِاقَفْ ، «تُعَلَبْ

تَهْرِكُ أَهْلَ الْعَالَمِ وَسَرَّ  
نِيَّ فَصَلِّ إِلَيَّ بِقَلْبِكَ وَأَوْ  
نِيَّ تَتَفَلَّحُ وَيُذْجِبُ وَأُ  
وَإِهْفِي سَبْعَ لُجَجٍ يَنْبَرِضَف  
يَنْلُتُ قِيْفُ مَهَسُ عِيَجِي  
كَمْ ثَابُورٍ هَمْ ثَابُورٍ «وَبَيَّ» : لَأَق  
«رَأْنَلِ بِأَخْصَاءِ نَمُ نُوكَيَّ وَ  
دُوَادُ وَبَأُورٍ مَسْمُورٍ

Абу Бакра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Келажакда фитналар бўлади. Огоҳ бўлинглар, ҳали фитналар бўлади, ўшанда югургандан юрган яхши, юргандан ўтирган яхши бўлади. Огоҳ бўлинглар, фитна нозил (ёки воқеъ) бўлса, кимнинг туяси бор бўлса, ўша билан машғул бўлсин; кимнинг қўйи бўлса, ўша билан машғул бўлсин; кимнинг ери бўлса, ўша ери билан машғул бўлсин», дедилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, туяси, қўйи, ери йўқлар нима қилади?» деди. У зот: «Қиличини олиб, тош билан унинг тиғига уради. Сўнгра қочишга қодир бўлса, қочиб кетади. Аллоҳим, етказдимми? Аллоҳим, етказдимми?»

Аллоҳим, етказдимми?» дедилар. Шунда бошқа бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар мени мажбур қилиб, икки сафдан ёки икки гуруҳдан бирига олиб боришса, бир киши менга қилич урса ёки ўқ тегиб ўлсам-чи?» деди. «Ўзининг ҳам, сенинг ҳам гуноҳинг унга ёзилиб, дўзахийлардан бўлади», дедилар».

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Муслмонлар орасида фитна чиққанда ниҳоятда хушёр бўлиш керак. Иложи борича бу фитнага аралашмаслик керак. Агар бир кишининг чорва ҳайвонлари бор бўлса, ўшаларни боқиш билан чалғиб, фитнадан четда бўлиш керак. Ери бўлса, ўша ерида ишлаб, фитнага аралашмасин. Фитна пайтида ишлатиш мумкин бўлган қурол-яроқлари бўлса, уларни йўқ қилсин.

Бу фитнага бировни мажбуран аралаштирган одам ўзининг ҳам, ўша мажбур қилинган одамнинг ҳам гуноҳига қолади. Фитнада фаоллик кўрсатиб, бошқаларни унга тортган кимса эса дўзахий бўлади.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**